

Л. М. АБДУЛЛО

**ХАҚИҚАТНИ
ИЗЛАБ**

УДК 21
ББК 86.3
А 13

Абдулло, Л. М.
А 13 **Ҳақиқатни излаб**, 1-б. – Б.: УМИД НУРИ,
2010, – 52 б.

ISBN 978-9967-435-76-6

А 0403000000-10

УДК 21
ББК 86.3

ISBN 978-9967-435-76-6

© УМИД НУРИ, 2010

АҲМАД ВА ҲАМИД

Аҳмад бир идорага ишга жойлашди. У ўз ишидан коникмасди дейиш унчалик тўғри бўлмас эди. Аммо бошлиқлар билан муомала қилиш унга айрим ноқулайликлар туғдирарди. Сабаби уларнинг бўлими қандайдир мураккаб вазифа олишса, бошлиғи диққат марказида ўзи бўлиб, барча шухратни ўзига олишга интиларди. Бундай ҳол эса Аҳмаднинг ҳақиқий қобилиятини намоён қилишига ҳеч қачон йўл бермайдигандек туюларди.

Аҳмад иш жойини ўзгартириш ҳақида кўп ўйланди. Аммо ўша пайтларда бундан яхшироқ иш топиш амримаҳол эди. Бундан ташқари унинг маоши бошқа жойларда таклиф қилинган иш ҳақидан анча юқори эди. Шу сабабли ҳам Аҳмад мазкур корхонада ўз ишини давом эттирарди. Қарамоғидаги аёли ва уч фарзандига ғамхўрлик қилиш учун унга пул керак эканлигини ўзига-ўзи тез-тез эслатар эди. Аҳмад фарзандларидан фахрланарди, айниқса университетда инженерликка ўқиётган тўнғич ўғли Ҳасандан.

Кунлардан бир куни бўлимда бир воқеа юз берди ва ҳамма нарса яхши томонга ўзгарди. Ишга Аҳмаддан бир оз ёшроқ, Ҳамид исмли бир киши келди. У ҳар доим жуда хурсанд ва яхши кайфиятда юрар эди. У билан муомала қилиш эса жуда ҳам осон эди. Ва-ниҳоят ишхонада Аҳмадга дўст топилди! Улар биргаликда тушлик қилишар

ва тез-тез ишдан кейин ҳам учрашиб туришар эди. Ҳамид ҳам оилали бўлиб, Худо уни икки ўғил ва икки қиз билан фотиҳалаган эди.

Тез орада Аҳмад билан Ҳамид бир-бириникига меҳмонга борадиган яқин дўст бўлиб қолдилар. Уларга шунчаки бир пиёла чой устида суҳбат қуриб ўтириш жуда ҳам ёқарди! Турли ҳил мавзуларга оид суҳбатлари соатлаб чўзиларди.

Аввалига уларнинг суҳбати асосан иш борасида эди, бора-бора эса ҳаётий муҳим саволларни муҳокама қиладиган бўлдилар. Уларнинг диний эътиқоди жиддий ва бир-биридан фарқли эди.

Аҳмад – мусулмон, унинг яхши кўрган дўсти Ҳамид эса Таврот, Забур ва Инжил китобларини мунтазам ўқийдиган, Ийсо Масиҳнинг издоши эди.

Ҳамид ҳақида қанча кўп билса, шунча кўп унинг эътиқодини ва Худованди билан бўлган ҳаётини ҳурмат қила бошлагани, Аҳмад учун ажабланарли эди.

Аҳмад дўстининг Худованд билан яқин муомалада эканини тушуна бошлади ва бу нарса уни жуда ҳам қизиқтириб қолди. Аҳмад дўстининг Худованд билан бўлган муомаласи Масиҳга боғлиқ эканлигини англаб етди. Қандайдир маънода Аҳмад ҳам Масиҳга бир мунча фарқлироқ бўлсада ишонарди. Айниқса Аҳмад Қуръонда Марям ўғли Ийсо ҳақида ёзилган барча оятларга шубҳасиз ишонарди. У Масиҳни жуда ҳам ҳурмат қилар эди.

У Масиҳни Марям исмли қиз боладан туғилганлигини, Унинг Худованднинг изни билан кўплаган мўъжизалар кўрсатганлигини, шунингдек, У ҳақида Инжилда нималар ёзилганини эшитган эди. Шу билан бирга Аҳмад Масиҳ ҳаёти ҳақида жуда оз билимга эга эканлигини тушунарди ва Қуръонда шунчалар кўп тилга олинган Худованднинг ушбу улуғ Расули ҳақида кўпроқ билгиси келар эди!

Ниҳоят Аҳмад шунчалар қизиқдики, дўстидан Масиҳ ҳақида сўрашга қарор қилди. Бу қарор кўплаган қизиқарли суҳбатларга сабаб бўлди.

ҚУРБОНЛИК ҚЎЗИСИ

– Марям ўғли Ийсо ҳақида менга гапириб бер, мен У ҳақида кўпроқ билгим келяпти, – деб сўради Аҳмад.

Ҳамид бироз ўйланиб, сўнгра деди:

– Агар сен Масихнинг нима учун бу дунёга келганлиги ҳақида билгинг келса, қурбонликнинг маъносини тушунишинг керак.

– Қурбонлик? Сен нимани назарда тутяпсан? – сўради Аҳмад.

Ҳамид шундай жавоб берди:

– Биз қурбонликнинг маъносини Қурбон-хайит мисолида тушунамиз. Қодир Таоло Иброҳим пайгамбарга ўғлини қурбонлик қилишни буюрганидан бошлаб, ушбу байрам нишонланиб келади. Агар Худованд қурбонлик қўзисини ато этмаганида, Иброҳимнинг ўғлига нима бўлган бўлар эди?

– Иброҳимнинг ўғли халок бўлган бўлар эди, – жавоб берди Аҳмад.

– Қурбонликнинг маъноси ҳам худди шундандир, – деди Ҳамид. – Кимдир бошқа биров учун ўлади. Худованд унинг ўрнига қурбонлик келтириш учун кўчқор юборди. Мен ҳам Иброҳимнинг ўғли кабидирман. Мен ўлим ҳокимияти остидаман.

– Бу билан нима демокчисан? – сўради бироз саросимага тушган Аҳмад. Ҳамид жиддий жавоб берди:

– Муқаддас Инжил Китобида шундай ёзилган:

“Гуноҳнинг эвази – ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Ийсо Масих қиёфасидаги абадий ҳаётдир”.
Рим.6:23.

Менинг гуноҳимнинг эвази ўлимдир. Мен гуноҳкорман.

Албатта инсонлар кўзича мен жуда ҳам солиҳ бўлиб кўринишим мумкин. Мен кунига ибодат қиламан, Худованднинг Сўзини ўқийман, Унга хизмат қиламан. Аммо Худованднинг олдида мен гуноҳкорман. Худованднинг олдида комил бўлган биронта инсон бормикан? – сўради Ҳамид.

– Йўқ!– деб жавоб берди Аҳмад. – Комил фақатгина ёлғиз Худованддир.

– Демак, Унинг олдида ҳамма гуноҳкордир, тўғрими? – сўради Ҳамид.

– Ҳа, албатта, – маъкул бўлди Аҳмад.

– Мен ҳам Иброҳим ўғли каби ўлимнинг қўлидаман. Бироқ менинг ўрнимга келтириладиган қурбонлик қани? Балки, Худованд менинг гуноҳимни оқлаш учун ҳам қурбонлик жўнатгандир? – сўрашда давом этди Ҳамид.

Аҳмад нима деб жавоб беришни ҳам билмас эди. Ҳамид сўзини давом эттирди:

– Масих билан бир даврда яшаган Закариё ўғли Яҳё, Уни биринчи бор кўрганда шундай деган эди:

“Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг қурбонлик Қўзиси”

Юҳанно.1:29.

Масиҳ инсонларнинг қўзиси эмас эди. У Худованднинг Қурбонлик Қўзиси эди. У Худованддан келган эди. У юқоридан келган эди. Худованднинг Руҳи Марямни қоплади ва у хомиладор бўлиб, Ўғил туғди. Сен биласанки, Уни: Ийсо бинни Марям (Марям ўғли), Худованднинг Сўзи, Худованднинг Руҳи (Руҳуллох), – деб аташади. У пок эди. У осмондан Худованднинг Қурбонлик Қўзиси каби келган эди. Масиҳ – Қурбонлик Қўзи эканлигини Худованднинг олдидаги пок ва комил ҳаёти орқали тасдиқлади. Унинг:

“Худованддан раҳм-шафқат сўранаман (Астағфир Оллоҳ)” дейишига ҳожат йўқ эди, чунки У чиндан ҳам Худованднинг покиза Қурбонлик Қўзиси эди.

У дунё гуноҳини Ўзига олиш учун келган Худованднинг Қурбонлик Қўзиси бўлганлиги учун ҳам, қурбон бўлиши керак эди. У Ўз ихтиёри билан ҳаётини ўлимга топширди. Бироқ У ўлимдан тирилди. У тириклайин осмонга кўтарилди. Бир куни У ер юзига қайтиб келади.

Ҳамид бир-оз сукут сақлади-да, сўнг Аҳмадга қараб деди:

– Мен ҳам худди Иброҳимнинг ўғли каби, ўлимнинг хокимияти остидаман.

Бироқ менинг гуноҳим учун покиза Қурбонлик Қўзи – Масиҳ бор. Энди эса, Худованд Қўзининг қони эвазига ҳамма гуноҳларимизни кечириш ва жаннатда мангу ҳаёт ато этишни таклиф қилмоқ-

да. Масих бутун инсониятнинг гуноҳларини Ўзига олди, сеникини ҳам Аҳмад. Аҳмад узоқ вақт индамасдан ҳаёлга чўмиб ўтирди. Сўнгра шундай деди:

– Агар Масих чиндан ҳам дунёнинг гуноҳларини Ўзига олган бўлса, унда мен ўлмас эканман-да... Бундан келиб чиқади-ки, мен мангу ҳаётга эга эканман-да.

– Аҳмад, – деди Ҳамид, – айтайлик сенинг туғилган кунингда, Масих сени эшигингни тақиллатмоқда, деб тасаввур қилайлик. Унинг қўлида совғаси бор, ва У сенга шундай демоқда: “Аҳмад, Мен сенга бир совға тағдим этмоқчиман, бу совға орқали сенинг бугундан оқ гуноҳларинг кечирилади ва мангу ҳаётга эга бўлиб, Худованд билан шахсий муомаланг бошланади. Бироқ бир шарти бор. Сен гуноҳларингга икром бўлиб тавба қилишинг керак, ҳамда Менинг сен учун келтирган қурбонлигим ҳаққи кечиримни қабул қилишинг керак, акс ҳолда бу совға сенга тегишли бўла олмайди”.

Аҳмад ҳозиргина эшитган сўзлар борасида фикр юрита бошлади.

– Жуда ҳам ғаройиб мисол келтирдинг, деб ўйланаётгандирсан, – деди Ҳамид, – бироқ ҳақиқат шундан иборатки, ҳар гал Худованднинг қандайдир хизматкори Худовандга Масих орқали бўлган йўлни тушунтираётганида, ўликлардан тирилган ва ҳозир ҳам тирик бўлган Марям ўғли Масих худди Ўзи чиндан ҳам бизнинг эшигимизни тақиллатаётгандек туюлади. У Инжилда шундай деган:

**“Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллат-
япман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни
очса, Мен унинг ёнига кираман: Мен у билан, у
Мен билан кечки овқатни баҳам кўрамиз”.**

Вахий.3:20.

Ҳамид ўз сўзида давом этди:

Масих билан нонни баҳам кўриш ва У билан муомалада бўлиш учун Унга эшикни очиб, шахсий ҳаётга таклиф қилиш – бу ҳар бир одам учун Худованднинг инъомини қабул қилиш демакдир.

– Ҳамид, мен шуни билишингни хоҳлар эдимки, – деди Аҳмад, – сен ҳозиргина Масих ҳақида айтганларинг менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Мен бу суҳбатимиз ҳақида кўп ўйланишим керак. Янаги сафар учрашганимизда, мен Масих ҳақида янада кўпроқ билмоқчиман.

ХУДОВАНДНИНГ СЎЗИ

– Ўтган сафар сен менга Марям ўгли Ийсо ҳақида гапирганларинг мени яхшилаб ўйланишимга мажбур қилди, – дея аста сўз бошлади Аҳмад.

– Масиҳ ҳақидаги суҳбатимизни давом эттиришдан олдин, мен бир неча саволларимга жавоб олишни хоҳлар эдим. Бундан ҳафа бўлмайсан деган умиддаман.

– Албатта, кел, тортинма, – жавоб берди Ҳамид, Аҳмаднинг нима ҳақида сўрашини сезиб.

Аҳмад эҳтиёткорлик билан бошлади:

– Биласанми, биз мусулмонлар осмондан берилган: Таврот (Мусога тушган), Забур (Довудга тушган), Инжил (Ийсога тушган) ва Муқаддас Қуръон (Мухаммадга тушган) китобларига ишонамиз. Аммо менга Қуръондан бошқасини яхуди ва насронийлар шунчалар ўзгартириб юборишган-ки, натижада у китобларга асло таяниб бўлмайди, деб уқтиришган. Шунинг учун сен ишонаётган Муқаддас Китоблар ўзгартирилган ва улар ҳақиқат билан ёлғоннинг аралашмасидир.

– Сен сўзларингни исботлаш учун бирон-бир тарихий далил келтира оласанми? – деб сўради Ҳамид.

Аҳмад биров ўйланди-да, ҳеч қандай тарихий далилларга асосланмаган, шунчаки фикрларга эга эканлигига амин бўлиб жуда таажжубланди.

Ҳамид сўзида давом этди:

– Айтчи менга, таҳмин қилинаётган ўзгартиришлар сенингча қачон юз берди ва қандай қилиб бу нарса амалга оширилди экан?

– Йўқ, айтолмайман, – ҳижолат бўлди Аҳмад.
– Бундай муҳим саволларга менга ҳеч ким жавоб берган эмас.

Бир оз сукут сақлашгандан сўнг Ҳамид сўради:

– Қуръонга ҳам ўзгартирилиш киритилганлигини тасаввур қила оласанми?

– Астафур Оллоҳ! (Оллоҳ кечирсин) – дея хитоб қилди Аҳмад. – Бундай бўлиши мумкин эмас, имонлилар Қуръонга бундай ўй билан яқинлашаётган кимсани ҳеч қачон қабул қилмаган бўлардилар.

Ҳамид шундай жавоб берди:

– Унда сен нега бизни Тавротга, Забурга ва Инжилга бўлган муомаламизни бошқача деб ўйлайсан? Қандай қилиб имонлилар Муқаддас Китобларни ўзгартирган ёки бузганларни қабул қилсинлар? Мен ҳамма нарсдан Қудратли ва барча нарсани Билгувчи осмон ва ерни яратган Худовандга ишонаман. У инсонларга Ўз Сўзини бериб, Уни сақлашга ҳам қодирдир.

Ҳамид Аҳмадга тик қараб сўради:

– Ҳамма нарса Худованднинг иродаси билан амалга ошаётганига ишонасанми?

– Ҳа, – жавоб берди Аҳмад.

Ҳамид сўзида давом этди:

– Сен чиндан ҳам аввало Худованднинг бу дунёга Ўз Сўзини юбориб сўнгра уни: «Бузилиб кетган», деб қарор чиқарганига ишонасанми? Ёки Қодир Тангрининг уни сақлаб қолишга кучи етмадимикан?

Аҳмад маъкул бўлди:

– Ҳа, албатта, Худованд Ўз Сўзини сақлашга қодир.

– Биласанми Аҳмад, – деди Ҳамид, – Муқаддас Китоб – бу ажойиб китобдир. Уни 1400 йил мобайнида ёзишган. Унга Таврот (Мусонинг Беш китоби), Забур (Довуднинг кўшиғи), Инжил (Ийсо ҳақидаги Ҳушхабар), ва Худованднинг Пайғамбарлари ёзиб қолдирган кўпгина китоблар ҳам киради. Таврот, Пайғамбарлар Китоби ва Забурда Ийсонинг туғилишидан олдинги давр ёзилган бўлса, Инжил эса Масихнинг бу дунёга келишидан бошланади. Муқаддас Китоб уч хил тилда ёзилган.

– Қандай тилларда? – қизикди Аҳмад.

– Қадимги иврит, арамей ва лотин тилларда, – жавоб берди Ҳамид. – Худованд бунда турли хил инсонлардан қўлланди: айримлари султонлар ва вазирлар, яна бошқалари эса – чўпонлар ва балиқчилар эдилар. Муқаддас Китоб ҳақиқатан ҳам Худованднинг мўъжизасидир. Чунки, шунчалар узок вақт мобайнида ва кўпчилик инсонлар ёзганига қарамасдан, китоб бутунлай яхлитдир. Муқаддас Китобнинг бошидан охиригача биргина мавзу диққат марказда туради. Ана шу мавзу Масихдир.

– Наҳотки чиндан ҳам Худованд 1400 йил мобайнида Масиҳ ҳақида гапирган бўлса? – ҳайратланиб сўради Аҳмад.

– Аҳмад, – жилмайди Ҳамид, – Худованд Масиҳ ҳақида тарихимизнинг бошидан то бугунгача гапирмоқда.

– Ахир шундай бўлиши ҳам мумкинми? – шубҳаланди Аҳмад.

– Албатта, Худованд учун ҳамма нарса мумкин-дир, – жавоб берди Ҳамид.

– Аммо бу тўғрисида сен билан келаси гал учрашганимизда суҳбатлашишимиз мумкин.

– Яхши, мен сабрсизлик билан кутаман, – деди Аҳмад.

ХУДОВАНДНИНГ ҚУРБОНЛИГИ

– Мен учун ажабланарли жойи шундаки, қандай қилиб Масих бутун бир Муқаддас китобнинг асосий мавзуси бўла олади, – деди Аҳмад.

– Эсингдами, биз Масих ҳақида гапирганимизда, У бизнинг гуноҳларимизни ўзига олган Худованднинг Қурбонлик Қўзиси деган эдик? – сўради Ҳамид.

– Албатта, бу қандай эсимдан чиксин, – жавоб берди Аҳмад.

– Худованд Марям ўғли Ийсогача бўлган давр мобайнида қурбонликлар келтириш ҳақида таълим бериб келган, – деди Ҳамид.

– Қандай қилиб? – сўради Аҳмад.

– Масалан, Қобил билан Ҳобил яшаган даврда ер юзида нечта одам яшаган? – сўради Ҳамид.

Аҳмад саволга ҳайрон бўлди, аммо жавоб берди:

– Тўрттагина: Одам, унинг аёли Ҳаво, Қобил ва Ҳобил.

– Тўрттагина холос, – деди Ҳамид. – Аммо улар Худовандга фақатгина қурбонлик орқалигина сажда қилиш мумкин эканлигини тушунишган. Улар буни қаёқдан билишган? – сўради Ҳамид ва ўзи жавоб берди:

– Чунки улар, Худованднинг пок ва муқаддас эканлигини, одамзоднинг эса қурбонлик орқали кечирим олишга муҳтож бўлган гуноҳкор эканлигини тушунишган.

– Нух пайгамбар қурбонлик орқали Худовандга сажда қилган, Иброҳим пайгамбар, Мусо пайгамбар, Довуд ва Масиҳнинг барча хаворийлари ҳамда бошқа пайгамбарлар ҳам Худовандга қурбонлик келтириш орқали сажда қилганлар. Мен ҳам Худовандга худди шундай сажда қилаётганимни биласанми?

– Йўқ албатта, сен ҳазиллашяпсан шекилли, – деди Аҳмад. – Ахир сен, кўчқор сотиб олиб, уни қурбонлик қилиш учун бозорга бораётганинг йўқку, – жилмайди у.

– Мен Худовандга, менинг гуноҳларимни ўзига олиш учун қурбон бўлган, Худованднинг қурбонлик Қўзиси – Масиҳ орқали сажда қиламан, – жавоб берди Ҳамид. – Бу ҳақда Инжилда шундай ёзилган:

“Худо ягона ва У билан инсонлар орасидаги Воситачи ҳам ягонадир. У инсон бўлиб келган Ийсо Масиҳдир. У инсонларни қутқариш эвазига Ўз жонини фидо қилди ва шу йўсин Худо белгилаган пайтда илоҳий режани тасдиқлади”.

1Тим.2:5-6.

– Худо ягонадир. Инсонлар билан Худо ўртасидаги Воситачи ҳам ягона, У эса – Ийсо Масиҳдир.

У Ўз жонини ҳамма учун, сен учун ҳам, Аҳмад, қурбонликка бағишлаган. Бутун тарих мобайнида ва ҳатто бугунги кунгача инсоният Худовандга қурбонликлар орқали сажда қилиб келмоқда.

– Сени тушуна бошлаганга ўхшаяпман, аммо тўлиқ тушунчага эга бўлишим учун, чуқурроқ би-

лим керакка ўхшайди, – деди Аҳмад, ҳозиргина эшитганлари ҳақида фикр юргизар экан.

– Ҳамид бир оз ўйланиб сўнг деди:

– Худованд қурбонликнинг асл маъноси ва аҳамиятини Мусо пайғамбарнинг Таврот китобида очиб берган. Қонунда (Шариат), қурбонлик фақатгина гуноҳ учун келтирилишини қуйидаги оят тасдиқлайди:

“Қонуннинг талаби бўйича қарийб ҳамма нарса қон билан покланади, қон тўкилмасдан умуман кечирим бўлмайди”. **Ибр.9:22.**

– Аммо бу таълимотнинг Марям ўғли Ийсога қандай алоқаси бор? – қизиқиб сўради, Аҳмад.

– Мана бундай, – давом этди, Ҳамид, – Қурбонликнинг моҳияти ҳақидаги таълимот билан бир қаторда, пайғамбарлар Масих ҳақида кўплаган башоратлар қилишган. Ушбу пайғамбарликларнинг айримлари Масихни бу дунёга келиб, бизнинг гуноҳларимиз учун Ўзини қурбонликка бағишлаши ҳақида яққол тушунча беришган.

– Ҳамид ёнидан Муқаддас Китобни чиқарди ва уни очиб, Аҳмадга кўрсатди, ҳамда деди:

– Мана ўзинг Масихнинг қурбонлик бўлиши ҳақидаги оятларни синчиклаб ўқиб кўр; бу оятлар Масих туғилишидан таҳминан етти юз йил илгари Ишаъё пайғамбар орқали ёзиб қолдирилган:

“Аммо У бизнинг дардларимизни Ўзига олди, касалликларимизни олиб кетди, биз бўлса Уни Худо яралади, жазолади ҳамда камситди, деб

ўйладик. Бирок У бизнинг гуноҳларимиз учун яраланди, қонунсиз ишларимиз учун азоб чекди. Бизга тинчлик ато этиш учун У жазоланди, биз Унинг яралари билан шифо топдик. Биз ҳаммамиз қўйлар каби адашиб юрдик, ҳар биримиз ўз йўлларимизга бурилиб кетдик, шунда Худованд барчамизнинг гуноҳларимизни Унинг бўйнига юклади. Уни қаттиқ азобга солдилар, У Ўз хоҳиши билан азоб чекди ва азоб чекаётиб овоз чиқармади. У бўғизланиш учун олиб келинган қўзи каби, жун қирқувчининг олдида нидосиз ётган қўй сингари оғиз очгани йўқ”.

Ишаъё.53:4-7.

Аҳмад ушбу пайғамбарчиликдан жуда ҳам таъсирланди ва ажабланиб сўради:

– Наҳотки бу оятлар Марям ўғли Ийсодан бир неча асрлар илгари ёзилган бўлса?

– Албатта, – деди Ҳамид – яна бошқа пайғамбарликларга асосан Масих подшоҳ Довуд зурриётидан келиб чиқиши керак. Масихдан минг йилча олдин яшаган Довуд ҳам Ийсонинг ҳочга миҳланишини аниқ ёзиб қолдирган. Биласанми, ҳочга миҳланган одам секин ва жуда азобли жон берган. Бу ҳақда Забурда шундай ёзилган:

“Менинг ичларим сел бўлиб оқяпти, бутун суякларим бўғини бўшашиб кетди. Юрагим таннимда мум каби эриб битди. Дармоним сопол парчасидек қуриб қақшади, тилим танглайимга ёпишиб қолди. Сен мени ўлим хокига топшир-

динг. Мана, итлар билан ёвузлар тўдаси мени ўраб олди. Улар қўлларим ва оёқларимни тешдилар. Суякларимни бирма-бир санай оламан, улар менга тикилиб, ажиб нарса каби тамоша қилмоқдалар. Кийимларимни ўзаро бўлишиб олиб, либосим учун қуръа ташладилар”.

Забур.21:15-19.

– Бундай аниқ маълумот Довуд томонидан ёзиб қолдирилган. Ажабланарлиси шундаки, Довуд яшаган даврда бундай жазо қўлланилмаган. Бундай жазо бир мунча вақт кейинроқ, айниқса Ийсо Масих даврларида Римликлар томонидан қўлланилган.

– Менинг тушунишимча, сен айтмоқчисанки, бу ҳамма пайғамбарликлар Марям ўғли Ийсода амалга ошган, шундайми? – сўради, Аҳмад.

– Ҳа, нафақат булар, балки бошқа кўплаган пайғамбарликлар ҳам айнан Масихда амалга ошди, – жавоб берди Ҳамид. – Кўпгина ҳолларда Масих Ўзи ҳам жонини фидо қилгани келганлиги ҳақида таъкидлар эди:

“Чунки Инсон Ўғли (Ийсо Масих) ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни қутқариш учун келган”.

Марк.10:45.

– Аҳмад, кўряпсанми, Худованднинг қурбонлик ҳақидаги таълимоти бутун Муқаддас Ёзувлар орқали таъкидланмоқда ва барча пайғамбарчиликлар Масихда амалга ошмоқда.

– Ҳамид, – деди Аҳмад, – мен бу ҳақда олдин ҳеч қачон эшитмаган эдим. Бу мен учун жуда ҳам қизиқ. Бу ҳақда ўйланиб кўришим учун менга вақт керак, бироқ сен ташвишланма, чунки мен яқин орада олдинга яна янги саволлар билан келаман.

– Марҳамат, ушбу Муқаддас Китобни мендан совға тариқасида қабул қил, – деди Ҳамид. – Ўқишни Инжилдан бошла, у ерда сен Масихнинг ҳаёти, Унинг ажойиб мўъжизалари ва таълимоти билан танишасан.

– Катта раҳмат, – жавоб берди Аҳмад. – Мен Қуръон орқали аҳли-китоблар ҳақида кўп маротаба эшитганман, аммо ўзим у китобларни ҳеч ҳам ўқи-магандим. Мен чиндан ҳам Марям ўғли Ийсонинг мўъжизалари ва таълимоти ҳақида ўқиб чиқмоқчи-ман.

ГУНОҲ

– Ҳамид, – дея, аста гап бошлади Аҳмад, – биласанми, мен Масиҳ ҳақида, У Ўз жонини бутун инсониятнинг гуноҳлари учун қурбонликка бағишлагани ҳақида ўйландим. Аммо бир нарса ҳақида тушунчага эга бўлгим келади: гуноҳ қаердан келиб чиқади? Нима учун гуноҳ ҳамма инсонлар учун муаммога айланган? Шу нарсани менга тушунтириб бера олмайсанми? – жиддий сўради Аҳмад.

– Ўйлайманки, жавоб бера оламан, – деди Ҳамид. Гуноҳнинг қаердан келиб чиққанини билиш учун, кел, бошидан бошлайлик.

Биз Мусога берилган Таврот китобида Яратгувчининг дунёни ва инсониятни яратганлигини, ҳамда инсонни жаннатга жойлаштиргани ҳақида ўқиймиз. Жаннатда инсон беғуноҳ ва мукамал Худованд билан яқин муомалада яшаган. Аммо, билсанг керак, жаннатда шундай воқеа юз бердики, оқибатда у ердаги ҳаёт тамоман бузилди. Айтчи, Аҳмад, у ерда қандай воқеа юз берди?

– Шайтон келиб ҳамма нарсани ҳароб қилди, – деди Аҳмад.

– Жуда ҳам тўғри! – тасдиқлади Ҳамид. – Худованд инсонга яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан ейишни тақиклади. У Одам атога шундай деган:

“Сен бу боғнинг ҳар бир дарахти мевасидан ейвергин. Фақат яхшилик ва ёмонликни билди-

радиган дарахтнинг мевасидан ема. Чунки ундан еган куниёқ ўласан”.

Ибтидо.2:16-17.

Аммо шайтон илон қиёфасида келиб, Одам ато-ни ва Момо ҳавони васвасага солди, натижада улар юқорида айтилган дарахтнинг мевасидан еб олиб, Худовандга итоатсизлик қилишди. Бу воқеа бутун инсониятнинг ҳалокатга йўлиқишига сабабчи бўлди, яъни ўша ондан бошлаб гуноҳ инсонга кириб унинг бир қисмига айланди, шунинг учун ҳамма инсонлар гуноҳкорга айландилар.

– Сен ҳамма инсонларнинг гуноҳкор бўлиб қолганлигига аминмисан? – шубҳаланди Аҳмад. – Мен учун буни қабул қилиш қийин. Қандай қилиб уларнинг ҳаммаси гуноҳкор бўлиб қолишди?

– Инсон ўзи еган мевага, яъни у қандайдир бир яхшилик ва ёмонликнинг аралашмасига ўхшаб қолди. Бир одам гоҳида шундай бир ажойиб ва мўътабар ишларни қилишга қодир ва кейин ортига бурилиб, қандайдир бир ёлғонни ишлатиб жуда ҳам бир маккорлик билан ўз яқинига хиёнат қилиши мумкин. Бир томондан инсон севувчи, ғамхўрлик қилувчи бўлиши – шу билан бирга у рашқ-ҳасадга тўлган, ўз манфаатини кўзловчи, эхтиросли ва бошқа гуноҳкор сифатларга эга бўлиши мумкин, – деди Ҳамид.

– Ўзинг айтганингдек, Аҳмад, ҳамма ва ҳар бир одам учун ушбу муаммо мавжуддир. Барча дин-

лар бу муаммони ечишга ҳаракат қилмоқдалар; гуноҳнинг ҳар-ҳил кўринишларини тақиқлаш мақсадида барча мамлакатлар қонунлар ишлаб чиқмоқда. Аммо фожиа шундан иборатки, инсон гуноҳ қилаётгани учун гуноҳкор эмас, балки – гуноҳкор бўлганлиги учун гуноҳ қилмоқда. Бу нарсани эса, ҳар бир инсоннинг ичида гуноҳ ва ёмонлик ишлаб чиқарувчи кичкинагина корхонага ўхшатсак бўлади. Шундай эмасми?

Аҳмадга эътибор билан қараб, сўради Ҳамид.

– Бахтга қарши, инсон ҳақида сен жуда ҳам тўғри айтдинг, маъқул бўлишимга тўғри келади. У чиндан ҳам қандайдир бир яхшилик билан ёмонликнинг аралашмасига ўхшайди, – жавоб берди Аҳмад. – Аммо шайтоннинг бунга нима дахли бор?

– Биласанми, инсон ҳаёти, қолаверса бутун инсониятнинг устидан шайтон гуноҳ орқали ҳокимиятга эга бўлди, – деди Ҳамид. – У, қачонлардир Одам ато ва Момо ҳавони васвасага солган руҳи билан ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқда. Худди шу тарзда у инсонларни гуноҳда яшайверишлари учун алдаб келмоқда. Шундай қилиб, шайтон гуноҳ орқали бизнинг ҳаётимиз устидан ҳокимлик қилиб келмоқда, чунки Худованддан бизни айнан гуноҳ узоқлаштиради. Айнан гуноҳ сабабли, дунё бугун шунчалар аянчли аҳволдадир.

Худованд ҳамма нарсани гўзал ва мукамал қилиб яратган, аммо инсон дунёга кўп ёмонлик олиб келди. Масалан, ер юзидаги инсоният ҳаёти-

ни вайрон қилаётган халқлар ўртасидаги урушлар, зўравонликлар, қолаверса, инсонларнинг бир-бирларига қилаётган нотўғри муомалалари ва шунга ўхшаш бошқа ёмон ишлар.

– Демак, фикрингча, Худованд бизни аввал бундай яратган эмас, дунёнинг бугунги аҳволи эса – Одам ато гуноҳининг оқибатидир? – дея сўради Аҳмад.

– Ҳа, албатта, – деди Ҳамид. – Гуноҳ инсонга Одам ато орқали кириб келган, бу ҳақда шундай ёзилган:

“Битта одам дастидан дунёда гуноҳ пайдо бўлди, гуноҳдан эса ўлим пайдо бўлди ва бутун инсонларга ўтди. Чунки ҳамма гуноҳ қилган”.

Рим.5:12.

Гуноҳнинг энг оғир оқибати эса ўлимдир, ҳам жисмонан, ҳам руҳан.

– Жисман ва руҳан ўлим? – сўради Аҳмад ҳайрон бўлиб ва Ҳамидга қаради. – Руҳий ўлим деганинг нимаси?

Худованд инсонга, агар у дарахтнинг мевасидан еса “ўлиши” муқаррар эканлиги ҳақида айтган, – жавоб берди Ҳамид. – Зотан Худованд Ўз сўзига содиқ ва ҳаққоний экан, инсоният ўлимга дучор бўлди ва ўша кундан бошлаб, ҳар бир инсон эртами, кечми ўлим билан юзлашиши, учрашиши муқаррардир. Аммо гуноҳнинг оқибатида инсон руҳий ўлимга ҳам мубтало бўлди.

– Қандай қилиб? – сўради Аҳмад.

– Гуноҳ оқибатида инсон жаннатдан қувилди, – деди Ҳамид. – У Худованд билан покиза ва мукамал муомалада бўлган жойдан қувилиб, энди эса жаннат ташқарисида яшаб қолди. Инсон, қачонки гуноҳ туфайли тирик ва муқаддас Худодан ажраган пайтда руҳан ўлди. Шундай қилиб, гуноҳ ва ёмонлик инсонни Худованддан узоқлаштиради. Айнан гуноҳ туфайли инсон энди Худованд билан яқин муомалада яшай олмайди. Худованд пок ва муқаддаслиги сабабли гуноҳ билан ҳеч қандай алоқа қилмаслиги табиийдир, шунинг учун ҳам бизга гуноҳнинг оқибатларидан ҳалос этгувчи Нажоткор яъни Қутқарувчи керакдир. Аҳмад, сен барча гуноҳларинг ёзилганлигига ишонсанг керак?

Аҳмад бироз ташвишлангандек бўлиб, сўнгра деди:

– Ҳар бир одамни кузатиб юривчи икки фариштадан бири гуноҳларни ёзиб юриши ҳақида билман.

– Худованд биз ҳақимизда ҳамма нарсани билади, – сўзида давом этди Ҳамид. – Ҳар бир ҳаракатни, ҳар бир ёмон ишни, ҳар бир сўзни, ҳар қандай хаёлни ва ҳар бир хоҳишни. Буларнинг ҳаммаси Худовандда ёзилгандир. Сен ўз ишларингни қиёмат кунида қандай баҳоланишини биласанми?

– Йўқ, буни фақат Худованд билади, – дея секин жавоб берди Аҳмад.

– Худованд сени севади, Аҳмад. Худованднинг Қурбонлик Қўзиси, Марям ўғли Ийсо, сенинг гу-

ноҳларингни ҳам ўзига олиб кетганлигини унутма. Ҳамма нарса учун кечирим бор, – дея сўзлади Ҳамид, аста-секинлик билан.

Аҳмад оз-моз ўйланиб туриб, сўнг деди:

– Агар Масих шунчалар муҳим экан, унда нега Одам ато ва Момо ҳаво бу ҳақда эшитишмаган?

– Агар улар Масих ҳақида эшитишган, десам, сен менга ишонасанми? – деди Ҳамид.

– Йўқ, Одам ато ва Момо ҳаво бу ҳақда эшитиши асло мумкин эмас, – таажжубланди Аҳмад.

– Худованд инсонларни севади ва улар билан муомалада бўлишни истайди, – жавоб берди Ҳамид. – Мана шунинг учун ҳам У бошиданоқ Масих ҳақида гапира бошлаган. Одам ато ва Момо ҳавога улар учун юз берган фожиа билан бир қаторда уларга шайтоннинг ҳокимиятини барбод этувчи халоскор юборилиши ҳақида ваъда берилган. Одам ато ва Момо ҳаво Худованднинг шайтонга шундай деганини эшитганлар:

“Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан”. Ибтидо.3:15.

Муқаддас Ёзувларнинг бошқа ҳамма жойларида ўғил болалар отасининг номи билан айтилганлар – Иброҳим ўғли, Ёқуб ўғли ва ҳақозо, лекин бу ерда эса “аёл зоти” ҳақида ёзилмоқда. Кунлардан бир куни Кимдир келиши, Унинг отаси йўқ бўлиб,

У фақатгина аёл кишинг ўғли бўлиши керак эди. Бу Ўғил эса шайтоннинг инсон устидан юргизаётган ҳокимиятини барбод этади. Албатта, шайтон илон каби Уни ўлдиришга ҳаракат қилиб, Унинг “товонини” чақади.

Марям ўғли Ийсо Ўзини инсонларнинг гуноҳлари учун қурбонликка бағишлаши худди шундай юз берган.

– Тасанно, – деди Аҳмад. – Худованднинг Масих ҳақида биринчи одамларданок ўқита бошлаганлиги жуда соз экан. Бу нарса эса, Масих – Муқаддас Ёзувлардаги энг асосий шахс эканлигини яна бир бор исботлайди. Ҳамид, сен менга келаси учрашувимизгача ўйланишим учун жуда ҳам кўп озуқа бердинг.

ИБРОҲИМ ЎҒЛИ

– Сенинг Инжил ҳақида қандай фикрда эканинг мен учун жуда қизик, – деди Ҳамид.

– Бу ростдан ҳам жуда ўзига тортадиган Китоб, – дея чин юракдан жавоб берди Аҳмад. – Ҳеч қачон бунга ўхшаш китоб ўқиган эмасман, айниқса Масихнинг буюк мўъжизалари ҳақида ўқиш жуда ҳам қизиқарли, Унинг тоғдаги насиҳати эса шунчалар мароқлидир. У ерда шунчалар чуқур ва маъноли таълимотлар ёзилган. У инсонларнинг кўпгина тушунчаларини тубдан ўзгартирди, айниқса душманларни севиб, қувғин қилувчилар ҳақида ибодат қилишни ўргатгани.

Унинг ибодат ҳақидаги таълимоти ҳам бошқа бу ҳақдаги тушунчалардан тубдан фарқ қилади. Бу Китоб менда жуда катта таъсурот қолдирди ва шу билан бир қаторда қанча кўп саволларимга жавоб олмайин, шунча кўп менда савол туғилмоқда.

– Бу, жуда қизик, – табассум билан деди Ҳамид. – Қани, сенинг олдингда турган биринчи саволдан бошласак.

– Шундоқ бўлақолсин, – деди Аҳмад. – Нима учун Инжил насабномадан бошланади – Иброҳимдан тортиб, Довуд орқали Масихгача?

Ҳамид бироз ўйланиб, сўнг деди:

– Эсингдами, биз сен билан Муқаддас Ёзувнинг яхлитлиги ва унда фақатгина бир мавзу бор эканлиги ҳақида муҳокама қилган эдик?

– Ҳа, эсимда, – жавоб берди Аҳмад.

– Бу қандай мавзу эканлигини эслай оласанми?

– Масих ҳақида, – деди Аҳмад.

– Сенинг саволингга жавоб ҳам ушбу мавзу билан боғлиқдир, – деди Ҳамид. – Пайғамбарликларга асосан Масих Иброҳимнинг ва Довуднинг зурриётидан келиб чиқиши керак эди.

Аҳмад бу эшитганлари ҳақида бироз ўйлади-да, ва ниҳоят деди:

– Бу жуда қизиқ. Балки сен ушбу башоратлар ҳақида яна бир бор, янада кўпроқ тушунтириб берарсан?

Бироздан сўнг Ҳамид сўз бошлади:

– Бир вақтлари, тахминан 4000 минг йилларча олдин Худованд Иброҳимга қайрилди (ҳозир уни Худонинг дўсти Ҳалилуллоҳ, деб аташади). Иброҳимга (унинг исми Ибром эди) Худованд бир ваъда берди. Унинг Иброҳимга айтган ваъдаси бутун инсоният учун буюк бир натижа келтириши керак эди. Мусонинг Таврот китобида биз шундай ўқиймиз:

«Худованд Иброҳимга хитоб қилиб деди: “Ўз ерингдан, она юртингдан, отанг уйидан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга кет. Сендан буюк халқ вужудга келтираман. Сени табаррук қилиб, номингни улуғлайман. Сен баракали бўлгайсан. Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сендан барак топадилар”».

Ибтидо.12:1-3.

Уйланганлигига кўп йиллар бўлишига қарамай фарзандсиз юрган бир инсонни Худованд чақирди. Унга Худованд ерни, ундан келиб чиқажак буюк халқни, ҳамда унинг номини улуғланишини ваъда қилди. Худованд ваъдасини худди айтганидек амалга оширди, бу ваъданинг энг ажабланарлиси, Яратгувчи Худованднинг Иброҳим орқали барча халқларни баракалаши эди. Бу сўзларнинг асосида Масих ҳақидаги ваъда ётибди. Демак, Масих Иброҳимнинг ўғлини бўлиши ва У орқали Худованд бутун дунёни фотиҳалашни ваъда қилган эди.

– Бу башоратларнинг айнан Масихга боғлиқ эканлигини сен қаёқдан биласан? – сўради Аҳмад.

– Агар сен Тавротни ўқишни давом эттирсанг, бу саволингга жавоб янада ойдинлашади, жавоб берди Ҳамид. – Бир қанча вақтдан сўнг Иброҳим икки ўғилли бўлди. Бириси – Исҳоқ исмли фарзанди: унинг хотини Сорадан, бошқаси Исмоил исмли фарзанди: унинг чўриси Ҳожардан туғилди. Худованд Исмоилни ҳам фотиҳалади, аммо У Иброҳимга Исҳоқнинг туғилишидан биров олдинроқ Масих ҳақидаги ваъда айнан Исҳоқ орқали амалга ошишини таъкидлади:

“Хотининг Соранинг ўзи, сенга ўғил туғиб беради. Унга Исҳоқ деб исм кўясан. Ундан кейинги авлод учун ҳам абадий аҳд бўлсин, деб Мен у билан аҳдлашмоқчиман. Яна, Исмоил ҳақида айтган илтимосингни ҳам эшитдим. Мен уни ҳам баракали қиламан ва жуда кўпайтираман.

Ундан ўн икки қабила йўлбошчиси келиб чиқади. Мен ундан буюк халқ вужудга келтираман. Аммо Ўз аҳдимни эса келаси йил шу вақтнинг ўзида Сора сенга туғиб берадиган Исҳоқ орқали амалга ошираман”. **Ибтидо.17:19-21.**

– Ҳа, Худованд оқ фотиҳалаган Исмоил арабларнинг отаси бўлиб қолди, – деди Аҳмад. – Аммо, биз мусулмонлар Худованднинг кўплаган пайгамбар ва элчиларини Исҳоқнинг авлодларидан ҳам юборганлигини биламиз.

Ҳамид давом этди:

– Исҳоқнинг Эсов ва Ёқуб исмли икки ўғли бор эди. Худованд ваъда қилинган Масиҳнинг Ёқуб авлодидан бўлишини унга туши орқали аён қилди:

“Мен – Худованд, отанг Иброҳим ва Исҳоқнинг Худосиман. Сен ётган ерни Мен сенга ва зурриётингга бераман. Сенинг зурриётинг ернинг қумидек кўп бўлади. Ғарбу шарққа, шимолу жанубга ёйилиб борасан. Сендан ва зурриётингдан ер юзидаги барча қабилалар барака топадилар”. **Ибтидо.28:13-14.**

– Худованднинг Ёқубга айтган гаплари Иброҳимга айтган гаплари билан бир хиллиги жуда ҳам ажабланарли, – деди Аҳмад.

– Чунки бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган биргина ваъдадир, жавоб берди Ҳамид. – Аммо, Аҳмад, кўриб турибсанки, Худованд айнан Ёқуб-

нинг авлодлари орқали ер юзидаги барча халқларни баракалашни амр қилди.

– Мен ҳозир Масих яна Муқаддас Китобнинг асосий мавзусига айланиб қолади деган шубҳаданман, – деди табассум билан, Аҳмад.

– Худди шундай, – тасдиқлади Ҳамид. – Қара, Исроил фарзандлари уруғ-уруғлардан иборат бўлишган. Шунинг учун Масих қайси уруғ ёки авлоддан келиб чиққан, деган савол туғилади. Худованд Довудни танлади ва унга ваъда берди. Кўпгина пайғамбарликда Худованд Масихни Довуд уруғидан келиб чиқишини очиб берган. Довуддан икки юз йил сўнг яшаган Ишаъё пайғамбар Ешей уруғини кесиб ташланган дарахтга ўхшатган. Ешей эса Довуднинг отаси. Ишаъё ушбу оиладан Худованднинг Руҳи қўнган Зот келиб чиқади деган эди. У ҳолсизларни адолатли ҳукм қилади, У Ўз Шоҳлигини ўрнатади ва бу Шоҳликдаги ҳамма Худовандни билади. Ишаъё шундай ёзган:

“Ешей (Довуднинг отаси) томиридан бутоқ чиқади, унинг томиридан ёш новда ўсиб чиқади; Унинг устига Раббийнинг Руҳи тушади... У камбағалларни адолат билан ҳукм қилади, ерда азоб чекканларнинг ишини ҳақиқат билан ечади... Ўша куни шундай бўлади: халқлар учун белги бўлган Ешейнинг томирига маъжусийлар қайриладилар, унинг шуҳрати тинчлик бўлади”.

Ишаъё.11:1-2,4,10.

– Мен тўғри тушундиммикан, энди қараб кўрайликчи, – деди Аҳмад. – Демак, Худованд Масиҳни Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб ва Довуднинг авлодидан бўлишлигини очиб берган.

– Шундай! – шўх табассум билан жавоб берди Ҳамид. – Биз қачонки Инжилни ўқисак, Масиҳни пайғамбарчиликларга мос равишда туғилганлигига гувоҳ бўламиз. Мана шунинг учун ҳам Инжил Китоби Масиҳни Иброҳим ва Довуд авлодидан келиб чиқишини кўрсатувчи насабномадан бошланади.

– Яна бир бора тасдиқлаганимиздек, Муқаддас Ёзувларнинг асосий мавзуси – бу Марям ўғли Ийсо экан, – деди Аҳмад. – Аммо менда кўп ва мураккаброк саволлар пайдо бўлаётганини тушунаётганингга аминман, аммо улар ҳақида келаси бор учрашганимизда муҳокама қиламиз.

ХУДОВАНД ЁЉГИЗ

– Сен ҳозир нимани кўраяпсан? – сўради Аҳмад, учта бармоғини юқори кўтариб.

– Битта қўлдаги учта бармоқни, – кулиб жавоб берди Ҳамид, худди Аҳмаднинг нима демоқчилигини тушунгандек.

– Ҳамид, – сўзида давом этди Аҳмад, – сен қандай ҳисоблайсан, Худованд биттами ёки учтами?

– Балки сен мени қандай ишонаётганимни охиригача тушунмассан, жавоб берди, – Ҳамид, – аммо мени осмон билан ерни Яратгувчи, ёлғиз Қодир Тангрига ишонишимни тушунишинг керак. Сен биласанки, менинг имоним Муқаддас Ёзувларга асосланади, улар бўлса Худованднинг яккаю ёлғиз эканлигини таъкидлайди.

Аммо Худованд бир вақтнинг ўзида ҳам учта, ҳам битта бўла олмайди, $1+1+1=3$, яъни бу 1 дега ни эмас, – деди Аҳмад учта бармоғини яна юқори кўтариб.

– Сенда нечта Аҳмад бор, биттами ёки иккитамми? – сўради Ҳамид.

– Албатта битта, – деди Аҳмад.

– Лекин Худованд сени тана ва руҳдан иборат қилиб яратди, – деди Ҳамид. – Сенинг тананг – бу Аҳмадми?

– Албатта, – жавоб берди Аҳмад.

– Сенинг руҳингчи – у ҳам Аҳмадми? – сўради Ҳамид.

– Ҳа, шундай – деди Аҳмад, Ҳамиднинг нимага ишора қилаётганини тушуниб.

Ҳамид давом этди:

– Агарда Худованд ҳар биримизни иккитада битта қилиб яратган экан, нега энди У Ўзи учтада битта бўла олмайди?

Бир дақиқа сукут сақлагандан сўнг, Ҳамид сўзида давом этди:

– Худованд бутунлай ягона, ва бу Зот Ўзини уч хил тусда намоён этмоқда, ёки 1x1x1 нечага тенг?

– Бир, – аста жавоб берди Аҳмад. – Аммо Марям ўғли Ийсо – бу ахир инсонку, нега у Худованднинг ўғли бўлсин? – Аҳмад синчиклаб қаради Ҳамидга. – Сен Масихни Худованднинг ўғли деб ҳисоблайсанми?

– Мени қандай ҳисоблайди, деб ўйлайсан? – сўради Ҳамид.

– Мен бунга тўлиқ амин эмасман-у, аммо мен сени Худованднинг Марям билан жисмоний алоқасидан ўғил туғилган дея ишонсанг керак, деб ўйлайман.

– Астағфирулло! (Худо кечирсин!) – хитоб қилди Ҳамид. – Мен бундай деб ҳеч қачон ҳисобламайман ва Масих издошларидан ҳам, ҳеч бир бундай деб ишонадиганларини танимайман.

Аҳмад жуда ҳам ҳайрон қолди ва сўради:

– Унда сен нимага ишонасан?

– Мен Худованднинг мангу эканлигига ишонман. Ҳали ҳеч қандай мавжудот яратилмаси-

даноқ У мангуликда бор бўлган, – жавоб берди Ҳамид. – Инжил бизга Масихни ким эканлигини тушунтирганида, Унинг бу дунёга туғилишидангина бошламайди; йўқ, Инжил яратилишдан олдинок бошланади. Инжилда шундай оятлар бор:

“Азалда Калом бор эди. Калом Худода эди, Калом – Худо эди. Азалданоқ У Худода эди. Борлик У орқали бор бўлган, Унингсиз ҳеч нарса бор бўлган эмас. Неки бор бўлган бўлса, У орқали бор бўлган. Унда ҳаёт бор эди, ҳаёт инсонлар учун нур эди”. Юханно.1:1-4.

– Худованд дунёни Сўзи билан яратди, тўғрими?

– Ҳа, бу тўғри. Худованд: бўлсин! – деди, ва шундай бўлди, деди Аҳмад.

Демак, Худованд дунёни Сўзи билан яратди, – деди Ҳамид. – Худованддан чикқан бу Сўз Унинг яратгувчи ижодий бир қисми бўлиб, у Сўз қаёққа йўналтирилмасин, ўша жойда ранг-баранг ҳаёт вужудга келар эди.

– Ҳа, мен маъкулман, аммо, “Калом Худо эди” деган сўзнинг асил маъноси қандай? – сўради Аҳмад.

– Айтайлик, агар мен судда гувоҳлик берувчи бўлсам, мени ўзимни менинг сўзларимдан ажратиш мумкин бўлмаган бўларди, – деди Ҳамид. – Менинг сўзларим менинг бир қисмимни ташкил қилади. Сен билан биз бу ерда ўтириб гаплашмоқдамиз ва бизнинг сўзларимиз бу бизнинг бир қисмимиздир, демак бошқача қилиб айтганда сўзимиз бизни на-

моён қилмоқда. Худованд оламни яратганда Унинг “бўлсин” деган сўзи У билан бирга эди; сен Худовандни Унинг сўзидан ажрата олмайсан. Худованд билан бирга Унинг ҳамма сифатларини ўзида олиб юрувчи, Унинг мангу Сўзи Марям ўғли Ийсода намоён бўлди, худди ёзилганидек:

“Калом инсон қиёфасига кирди ва биз аро маскан қилди. Биз эса Унинг улуғворлигини кўрдик; Отадан келган, марҳамат ва ҳақиқат ила тўлган Ягона Ўғилнинг улуғворлигини кўрдик”. Юҳанно.1:14.

Ҳамид давом этди:

– Худованднинг Ўзи ҳақида ҳамма айтганлари ва Унинг барча сифатлари Масихда намоён бўлган.

Худованд муқаддасдир. Одамлар Масихда Худонинг муқаддаслигини кўришган.

Худованд бу севгидир. Одамлар Масихнинг, инсонларни севишини кўришганда, Унда Худованднинг севгисини кўришган.

Худованд барча куч ва ҳокимиятнинг эгасидир. У ҳамма нарсага қодирдир. Қачонки одамлар Масихнинг сув устида юргани, шамолга буйруқ қилиб, тинчлантиргани, нонни кўпайтиргани, кўрларнинг кўзини очгани ва ўликларни тирилтирганини кўришганда, Худованднинг ҳокимиятини, қудрати ва шуҳратини Ийсода намоён қилганини кўрдилар.

Агар Худованд Ўзини бир инсон билан чекласа, У қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда

бўла олади? – таслим бўлмай деди Аҳмад. – Нима, Худованд Масих бўлиб келганда вақтинча коинотни бошқаришни тўхтатиб қўйдими?

Аҳмад, – деди Ҳамид, – тасаввур қилгинки биз бепоён денгиз бўйида турибмиз; денгиздан биз бир пиёла сув олдик. Агар биз бу сувни текшириб чиқсак, пиёладаги сув билан денгиздаги сувнинг бир хил сифатга эга эканига амин бўламиз. Масих билан ҳам худди шундай. Мангу, Қодир, Яратувчи Худованд ҳамма жойдадир, ва У бир вақтнинг ўзида барча ҳокимият ва хусусиятлари билан Ўзини Масихда очиб берган. Шу билан бирга У Ўзини Масихда очгани билан чекланиб қолгани йўқ. У аввалгидек ҳамма жойдадир.

– Аммо Худованд Ўзини инсон қиёфасида очиб бера олмайди-ку, – деди Аҳмад.

– Биз қандай қилиб Худовандни чеклай оламиз? – сўради Ҳамид. – Биз қандай қилиб Худованд ҳақида: “У қила олмайди”, деб айта оламиз? Наҳотки У ҳамма нарсани қила олмаса?

– Албатта, У ҳамма нарсага Қодир, жавоб берди Аҳмад. Аммо, У Ўзини инсон орқали намоён қилганига ишона олмаяпман.

– Яхши, зотан Худованд нимани истаса шуни қилиши мумкин экан, бу муаммо У учун эмас, балки биз учун мавжуддир, – деди Ҳамид. – Агар сен Худованднинг Мусо билан ёнаётган бутада гаплашганини аввалдан билмаган бўлсанг, бу ҳақда нима деган бўлар эдинг?

Аҳмад бироз ўйланди ва ўз хаёлларидан жилмайди, у Худованд учун инсонда намоён бўлиш бутада намоён бўлишдан қийин эмас эканлигини тушунганди.

Ҳамид давом этди:

– Аҳмад, ўйланиб кўрчи – “Худованднинг Сўзи” ва “Худованднинг Руҳи” (Каломулло ва Рухулло), деб, аслида ким назарда тугилади? Ҳаттоки Муқаддас Рух ҳам Худованд билан бирдир. Биз биламизки, Худованднинг Руҳи Марямни қоплади ва у ҳомиладор бўлиб Масихни туғди, бу ҳақда фаришта Жаброил Марямга шундай деган:

“Муқаддас Рух сенинг устингга тушади ва Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу сабабли ҳам сендан туғиладиган муқаддас бола Худонинг Ўғли деб аталади”. Лука.1:35.

Ҳамма гап бу дунёга шу тариқа келган Ким эканлиги ҳақида бормоқда.

Аҳмад, тасаввур қилгинки сен Масих туғилган даврда шифокор бўлиб ишляяпсан, ва сендан Унинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёзиб беришинг талаб қилиняпти. Қандай деб ёзган бўлар эдинг? Унинг номини қандай белгилаган бўлардинг?

Хойнаҳой, мен ҳам “Ийсо, Марям ўғли”, деб, ёзган бўлсам керак, – деди Аҳмад.

– Онасининг исми? – сўради Ҳамид.

– Айтайлик, Марям, – деди Аҳмад.

– Ва ниҳоят биздан Унинг отасининг исмини ёзиб қўйиш талаб қилинади, – деди, кулимсираб, Ҳамид.

– Аммо, Унинг отаси бўлмаган, – жавоб берди Аҳмад ҳам кулиб.

– Биз, албатта, Унинг ерда отаси йўқлиги сабабли отасининг исми ёзиладиган жойга чизикча чизиб қўйишимиз мумкин, – деди Ҳамид. – Ёки биз Унинг қаёқдан келганлигини ўз-ўзимиздан сўрамоғимиз лозим? “Худованднинг Сўзи” ва “Худованднинг Руҳи”, деб номланаётганнинг келиб чиқиши қандай экан? У ким экан ўзи? У Ўзи шундай деган:

“...Худо берган нон осмондан тушувчи ва дунёга ҳаёт бағишловчи нондир... Мен ҳаёт номиман. Менинг олдимга келган одам сира оч қолмас, Менга ишонган одам ҳеч қачон чанқамас”. **Юҳанно.6:33,35.**

“Мен осмондан тушган тирик нондирман. Бу нонни еган киши абадий яшайди. Мен берадиган нон – Ўзимнинг танамдир, уни дунёга бахш этиш учун фидо қиламан”. **Юҳанно.6:51.**

– Аҳмад, У бу дунёга Ўзининг танасини инсоният учун қурбонликка бағишлагани келди. Кимки оддий нон еса, у ўзининг жисмоний танасига ғамхўрлик қилиб уни тўйдиради. Кимки осмондан тушган Худованднинг нонини еса, у мангу умр берувчи руҳий ҳаётга эга бўлади. Кимки Масихга ишониб, Унинг қисмига эга бўлса, у мангу ҳаётга эга бўлади. Ундай одам Худовандга бўлган ички

очлик ва чанқоқлигини қондиради. Мен шахсан ўзим бунни синаб кўрдим. Масих – Худованднинг сен учун берган қурбонлигидир, Аҳмад.

– Мен ҳали тайёр эмасман, – аста жавоб берди Аҳмад.

– Менинг бошимни ҳар хил фикрлар чулғамоқда. Мен сенинг Худовандга бўлган имонингни умуман нотўғри тушунганлигимни тан олмоқдаман. Сенинг Ўзини Масихда намоён қилган ёлғиз Худога бўлган ишончингни қийинчилик билан тушунмоқдаман. Биласанми, мен Масихни чин қалбимдан севаман, аммо менинг яна жавоб олишим лозим бўлган бир қатор саволларим бор. Ўйлайманки, Ҳамид, биз у саволларга янаги учрашганимизда қайриламиз.

ХУДОВАНД ВА ИНСОН

– Мен деярли ҳамма вақт бизнинг охирги суҳбатимиз ҳақида ўйлаяпман, – деди Аҳмад. – Сен, аввал Марям ўғли Ийсо – инсон, дединг, кейин эса Унда Худованд Ўзини очди демоқдасан. Ахир ким У аслида? Ийсо фақатгина Марям ўғли бўла туриб, сизлар Уни Худованднинг Ўғли қилиб олмадингизлармикин?

– Биласанми, Аҳмад, – дея, сўз бошлади, Хамид, – бу саволга жавоб – ҳозир, ҳамда келажакда Худованд билан бирга бўлишликни очиб берадиган калитдир. Агар биз инсонни Худованд қилиб олсак, унда бу, “ширк” (Худога кимнидир шерик қилмоқ) бўлар эди. Муқаддас Ёзув одамни Худо бўлиб қолганини эмас, Худованднинг одам бўлиб келганини баён қилмоқда.

Биз ҳаммамиз Масихни инсон бўлиб туғилганлигини тасдиқлаймиз. Пайғамбарликларнинг таъкидлашича, У – Иброҳимнинг, Довуднинг авлоди ва Марямнинг ўғли. Аммо, Масихнинг туғилишидан анча илгари айтилган башоратларга биноан, Худованд бизга (ерга) Масих қиёфасида келишини билдирган.

– Сен чиндан ҳам Масихнинг элчилари ҳамда Ундан олдинги пайғамбарлар Худованд Масихда Ўзини очиб берди деб ўқитганлар, деб ўйлайсанми? – дея таажжубланиб сўради Аҳмад.

– Муқаддас Ёзувларнинг асосий мавзуси – Масихдир. Шунинг учун Худованд Масих тўғриси-

даги ҳақиқатни олдинги пайғамбарларга ҳам очиб берганига ҳайрон бўлмасак ҳам бўлади! – деди Ҳамид.

– Менга ўша Ёзувларни кўрсатчи, мен уларни жуда ҳам кўргим келаяпти, – талаб қилди Аҳмад.

Ҳамид бир оз ўйланиб, сўнгра деди:

– Милоддан таҳминан 700 йилча аввал Худованд Михей пайғамбар орқали Масих ҳақида айтганида, Масихнинг Байт-Лаҳм шаҳрида туғилиши ҳамда Унинг туғилишидан олдиноқ бор бўлганлиги ҳақида очиб берган:

“Аммо Сен, Байт-Лаҳм Эфрафа, Яҳудонинг минглаган уруғларининг ичида кичиги бўлишингга қарамай, сендан Мен учун Исроилга Эга бўладиган Зот келиб чиқади, Унинг келиб чиқиши энг бошиданок, илгарги кунларданок бор бўлган”. Михей.5:2.

Масих чиндан ҳам, Инжилда ёзилганидек, Байт-Лаҳмда туғилди:

“Шунингдек, Юсуф ҳам Жалиланинг Носира шаҳридан Яҳудияга, Довудлар шаҳри Байтлаҳмга борди. Чунки у Довуд насаби ва хонадонидан эди. У ўзига унаштирилган қиз, ҳомиладор Марям билан бирга рўйхатдан ўтмоқчи бўлди. Улар Байтлаҳмга келганларида Марямнинг ойқуни тўлди. У Ўзининг тўнғич Ўғлини туғди ва йўрғаклаб охурга ётқизиб қўйди, чунки мусофирхонада уларга жой йўқ эди”. Луко.2:4-7.

Бу дунёга туғилишидан ҳам олдин бор бўлган Зот ким эканлиги тўғрисида савол туғилади? Қуддусдаги шубҳаланаётган яхудийлар билан суҳбатда У шундай деган:

«Отангиз Иброҳим Менинг кунимни кўриши фикрида шод-хуррам бўлган эди, ва кўриб қувонди. “Сен ҳали эллик ёшга тўлганинг йўқ-ку, Иброҳимни ҳам кўрибсан-а?!” – дейишди яхудийлар Унга. Ийсо уларга: “Ҳақиқатни сизларга айтиб қўяй, Иброҳим вужудга келмасидан олдин Мен бор эдим”, – деди». Юҳанно.8:56-58.

Биз биламизки, Иброҳим милоддан тахминан 2000 йиллар олдин яшаган.

– Ундан келиб чиқадики, туғилганидан ҳам олдин бор бўлганини, Масих Ўзи тасдиқлабдида, – деди Аҳмад. – Бундай экан пайғамбарларнинг Худованд Ўзини Масихда намоён қилиши ҳақида ёзганлари қани?

– Бу Муқаддас Битикларнинг кўп жойларида ёзилган, – деди Ҳамид. – Ишаё пайғамбар кичиккина юртдан Марям ўғли Ийсо келиб чиқиши ва ўсиб улғайиши ҳақида айтади. У асосий белгиси – Худованднинг тинчлиги бўлмиш, мангу шохлигини ўрнатади. У Довуднинг авлодидан бўла туриб бу шохликни Ўзи бошқаради. Пайғамбар Масихнинг ким эканлигини, Унга берилган турли номлар миносида очиб беради:

“Чунки бизга чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди. Хукмронлик қилиш Унинг елкасида,

Унга: Ажойиб, Маслаҳатчи, қувватли Худо, мангуликнинг Отаси, Тинчликнинг Амири, деган ном қўйилади. У Ўзининг шоҳлигини адолат билан, ҳақиқат билан бугунги кундан бошлаб мангуликкача тасдиқлаши ҳамда мустаҳкамлаши учун, Довуд тахти ва подшоҳлигида Унинг ҳокимияти ҳамда тинчлиги чексиз ўсади”.

Ишаъё.9:6-7.

Биз биламизки, Худованд кимгадир ном берса, у ном унинг кимлигини кўрсатиб туради. Ажойиб Маслаҳатчи, қувватли Худо, мангуликнинг Отаси, деган номларнинг эгаси ким бўлди экан?

– Мен ўзимни, Масихни Унинг туғилишидан олдин У ҳақда пайғамбарлар ёзган умумий хислатлари ила қабул қила бошлагандек сезяпман, – деди Аҳмад. Аммо ҳақиқатан ҳам гап Худованднинг Ўзи яратган дунёга келиши ҳақида бормоқдами?

– Закариё ўғли Яҳё Ийсонинг замондоши бўлган, – деди Ҳамид. – У одамлар тавба қилиб, Масихга ишонишлари учун, яъни халқни Унинг келишига тайёрлаш учун Худованд томонидан юборилган эди. Қачонки одамлар Яҳёдан кимлигини ва нима учун Худованд уни юборганлигини сўрашганда, у Ишаъё пайғамбар китобидан оят келтирди:

“Мана чўлда нидо янграмоқда: сўқмоқларни равон қилиб, Худовандга йўл тайёрлангиз. Ҳар бир чуқурлик тўлиб қолсин, ҳар қандай тепалик пастласин, эгриликлар тўғрилансин, паст-

баландликлар текис бўлсин, ва ҳар бир инсон Худонинг нажотини кўрур”. Ишаё.40:3-5.

– Ишаёнинг ёзгани буюк шохнинг келаётганини эслатади. Унга сахро орқали янги, тўғри ва текис йўл курмоқ даркор. Бизга келадиган бу шох ким экан, Аҳмад? – деб сўради Ҳамид.

– Пайғамбарликларга кўра, бу биз таъзим қилаётган Худованд экан, – дея ўйланиб жавоб берди Аҳмад.

– Масала янада ойдинлашмоқда, – давом этди Ҳамид, – Агар биз ўша жойни яна ўқишда давом этсак, қуйидагиларни ўқиймиз:

“Хушxabарни тарқатувчи Сион, баланд тоққа чиқ! Хушxabарни тарқатувчи Қуддус, овозингни баралла чиқар! Овозингни чиқар, кўркма, Яхудо шаҳарларига: “Мана сизнинг Худойингиз!” – деб айт. Мана Раббий – Худо куч ва ҳокимият билан келмоқда. Унинг мукофоти Ўзи билан, Унинг жазоси ҳам Ўзининг олдида. У Ўз қўйларини чўпон сингари боқади, қўзиларини қўлига олиб, бағрига босади, соғинларини эса етаклаб юради”. Ишаё.40:9-11.

Масих худди Ўзи айтганидек барча имонлилар учун Чўпон сингари келди:

“Мен яхши Чўпонман. Яхши Чўпон қўйлари учун жонини фидо қилади”.

Юханно.10:11.

– Айтчи, Аҳмад, пайғамбарлар сўзларига биноан, Чўпон бўлиб келувчи ким экан, ўзи?

– У, Яратгувчи Худованд ҳақида гапираётганини тан олишим керак, – деди Аҳмад пайғамбарлар сўзидан чуқур таъсирланиб.

Ҳамид давом этди:

– Масих ҳақидаги барча пайғамбарчиликларни Марям ўғли Йисода амалга ошганлигини тушунгандирсан, Аҳмад.

Масихнинг туғилишидан олдин, фаришта Жаброил Закариёнинг олдида келиб, унга ўзгача чақирилган пайғамбарнинг отаси бўлишлик насиб этганини айтган эди:

“У Худо олдида улуғ киши бўлади ва маю шаробни асло ичмайди. Онаси қорниданок у Муқаддас рухга тўлиб тушади. У Исроил фарзандларининг кўпларини ўзларининг Раббиси – Худовандга қайтаради. Оталар қалбини фарзандларига қайтариш, осий бандалар фикрини солиҳлар томон мойил қилиш ва ҳозирланмиш бир халқни Раббимизга тақдим этиш учун, У Илёс пайғамбарнинг Руҳи ва қудрати ила Раббимиз олдида келади”. Луқо.1:15-17.

– Аҳмад, Инжилга асосан, Яҳё пайғамбар кимнинг олдида келар экан?

– Раббийнинг, – жавоб берди Аҳмад.

– Яҳё пайғамбар эндигина туғилганида, Закариё ўзининг чақалоқ ўғли ҳақида шундай башорат қаромат қилган эди:

“Сен ҳам, эй чақалоқ, Худованднинг пайғамбари деб ном оласан. Зеро сен Раббимиз олдида юриб, Унга йўл тайёрлагайсан. Унинг халкига гуноҳлари кечирилиб, нажотга эришишини англатарсан. Зеро Худойимиз меҳр-шафқати ила юксакликдан нажот тонги ёришди ва уфқимизни равшан қилиб юборди”. Луқо.1:76-78.

– Шунинг учун, кўраяпсанми, Аҳмад, Ишаъё пайғамбарнинг, фаришта Жаброилнинг ва ўз отаси Закариёнинг сўзларига биноан, Яҳё Пайғамбар Раббийнинг олдида келувчидир, унинг орқасидан келаётган эса – Худованднинг Ўзидир.

– Ҳа, мен буни тушуняпман ва ҳамма айтилганлар Масих келганида тасдиқланганига ишоняпман, – дея жиддий жавоб берди Аҳмад.

Жуда ҳам аниқлик билан, деди Ҳамид. – Масих Марямдан Довудлар шаҳри Байт-Лаҳмада туғилганида, Худованднинг фариштаси даладаги бир неча чўпонларга зоҳир бўлиб, шундай деган:

“Қўрқманглар, мен сизларга барча одамларни чексиз қувонтирадиган Хушхабарни келтирдим. Бугун Довудлар шаҳрида сизлар учун Нажоткор туғилди. У – Раббимиз Масихдир”.

Луқо.2:10-11.

Масих – бу Худованд эканлиги Инжилда қайта – қайта тасдиқланади, масалан, Ийсо Ўзи шундай деган:

“Мен ва Отам – бирмиз”. Юҳанно.10:30.

– Мен бошиданок Марям ўгли Масихни яхши кўриб ҳурмат қилардим, – деди Аҳмад. – Аммо эндигина илк бор Масихни чиндан ҳам Ким эканлигини ва бу дунёга нима учун туғилганлигини англамоқдаман. Бу нарсаларни тушунтиришга вақтингни аямаганинг учун, Ҳамид, мен сендан чуқур миннатдорман.

– Аҳмад, – деди жиддий тарзда Ҳамид, – Масихга ишониш орқали гуноҳларинг кечирилиб, мангу ҳаётга эга бўлишни Худованд сенга таклиф қилмоқда.

Ўлимни енгган ва ўлганларни тирилтирган Масих шундай демоқда:

“Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам тирилади. Кимда-ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди. Бунга ишонасанми?”
Юҳанно.11:25-26.

– Аҳмад, Худованднинг Масихга ишонишинг орқали сенга таклиф қилаётган инъомини қабул қилишни хоҳлайсанми?

– Ҳа, У ҳозирданок менинг эшигимни тақиллатаётганини хис қилмоқдаман, – деди Аҳмад, кўзларига ёш олиб. – Худованднинг инъомини қандай қилиб қабул қилай?

– Бу қийин эмас, деди Ҳамид. – Худовандга ўз сўзларинг билан ибодат қил. Гуноҳларингни Унга оч – чунки Худованд биз ҳақимизда ҳамма нарса-ни билади. Масих сен учун келтирган қурбонлик орқали кечиримни қабул қил. Худованд сенинг

ҳаётига Ўз Руҳи билан киришини ва Масихнинг издоши ва Унинг шогирди бўлишинга куч беришини ибодат қилиб сўра. Ушбу ибодатингни Ийсо Масихнинг номи ила илтижо қил. У Ўзининг келтирган қурбонлиги эвазига сен билан самодаги Отамизнинг ўртасида воситачи бўлиб қолди.

Қачонки сен шу тарзда Масихни Худованднинг инъоми қатори қабул қилар экансан, сенинг ҳаётига мўъжиза юз беради. Инжил таълимотига кўра сен қайта туғиласан. Сен Худованд билан Масих орқали янги ҳаётга ва янгиша шахсий муомалаларга эга бўласан. Худованд сенинг Отанг бўлади, сен бўлса – Унинг фарзанди (руҳий маънода) бўласан, худди ёзилганидек:

“Уни қабул қилганларга, ва Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқуни берди”. Юҳанно.1:12.

Қачонки улар биргалашиб ибодат қилишиб, Худовандга миннатдорчилик розичилик келтиришганидан сўнг, Ҳамид жуда хурсанд бўлиб, деди:

– Бизнинг оиламизга хуш келибсан! Энди биз Масих орқали Худованднинг улкан оиласида биродармиз.

– Қандай қилиб сенга миннатдорчилигимни изҳор қилсам экан! – деди Аҳмад, тўла қувонч ила.

Худовандга миннатдорчилигингни билдир ва ҳар куни шундай қилишни унутма, – жавоб берди Ҳамид. – Ийсо Масихнинг издошлари билан муло-

қотда бўлишни қидир. Мана, энди сен чиндан ҳам Масих Ўзининг шогирдларини ўргатганидек ибодат қила оласан:

“Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин. Бугунги ризқ рўзимизни бергин. Бизга қарши гуноҳ қилганларни кечирганимиздек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилма, аммо ёвуз шайтондан халос қилгин”.

Матто.6:9-13.

Омин

*Агар сизда савол тугилса, ёки
бирон бошқа адабиёт олмоқчи бўлсангиз,*

*манзилига, ёки
kitepter@gmail.com электрон почтасига
хат ёзишингиз мумкин.*